# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 20-FEVRAL, SHANBA, 22 (8573)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2016 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг одамзотнинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашида, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шунингдек, профессионал ва истеъдодли эстрада ижрочиларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 19 февраль*

Навоий вилояти



## СИФАТЛИ ХИЗМАТ — САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

Нурота туманидаги "Нурота тикувчилик" масъулияти чекланган жамиятида замонавий ва бежирим либослар билан бирга, буюртма асосида махсус иш кийимлари, кўрпа-ёстиқлар ҳам тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Навоий вилояти филиалидан олинган кредит эвазига замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада 50 дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда.

**ЎзА фотомухбири**
**Сирож АСЛОНОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2016 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қонун устуворлигини, қонунийликни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Судлар холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонунчиликнинг барча тармоқларини демократлаштириш, шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни, тинч ва осуда ҳаётни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи таҳлил марказлари ва хорижий мамлакатларнинг экспертлари томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Қонунчилик асослари ҳар жиҳатдан мустаҳкамланаётгани ҳамда қонунларга сўзсиз итоат этиш ва қонун устуворлиги таъминланаётгани, фуқаролар ҳуқуқий онги ўсиб бораётгани демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг ривожини жадаллаштириш ҳамда ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирлар самарали амалга оширилишида прокуратура органларининг тутган ўрни муҳимдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ уларнинг зиммасига "қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни" амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари юкланган.

Шу билан бирга, мажлисда таъкидландики, мамлакатимиз Конституциясида "прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги" белгиланганидек Бош прокуратура ва жойлардаги прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратининг самарали механизмини йўлга қўйиш зарур.

Парламент назоратини ҳамда прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлигини кучайтириш зарурлиги ҳақида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Шу муносабат билан, дея таъкидланди мажлисда, ҳозирги вазият ҳамда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар парламентнинг юқори палатаси олдига прокуратура органлари фаолияти устидан назорат ўрнатишнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар қўймоқда.


(Давоми 2-саҳифада)


Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб этиш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг моҳияти, унинг ёшларимиз ҳаётида тутган ўрнига бағишланган қатор тадбирлар ташкил этмоқда.

## ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 254-умумтаълим мактабида ўтказилган "Обод юртнинг бахтли қизлари" номли тадбир ҳам улардан бири бўлди. Унда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, касб-ҳунар коллежларининг "Ораста қизлар" тўгараги аъзолари ва истеъдодли ўқувчи-қизлар қатнашди.

Тадбирда Зулфия мукофоти учун ўтказиладиган танловлар талаблари, совриндорлар билан бугунги кунда олиб борилаётган ишлар, ёш иқтидорли қизларга яратилаётган шароитлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

– Бугунги кунда шоира номидаги мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизларнинг сони 226 нафарга етди, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Гулжамол Асқарова. – Уларнинг аксарияти бугун юртимиз равнақига муносиб улуш қўшишмоқда, жамият фаоли сифатида бошқа тенгдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Тадбир сўнгида ёш ижодкорлар шоира ижодидан намуналар ўқидилар.

**Муқаддас БОБОМУҲАММЕДОВА**

Хоразм вилояти

МЕЛИОРАЦИЯ

## АРДОҚЛАНГАН ЗАМИН САХОВАТИНИ АЯМАЙДИ

### ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР САМАРАСИДА ҲОСИЛДОРЛИК СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОРТМОҚДА

**Бугун дунё аҳолисининг сони шиддат билан ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам ортиб бораётганидан далолат беради, албатта. Дунёнинг кўплаб давлатларида озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар тобора кескин тус оляпти. Қанча-қанча одамлар тўйиб овқатланиш имконига эга эмас.**



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат, изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, мазкур масала ўзининг ижобий ечимини топиб келмоқда. Шукрки, дастурхонларимиз тўкин-сочин. Рўзғоримизда барака бор. Бозорларимизни ораласангиз, кўзингиз қувнайди. Қишда ҳам ёздагидек, барча нарса муҳайё. Олтиариқ турпию бодринги, Бахмалнинг қирмизи олмаси, Қува анорлари, Самарқанду Учқоранинг донгдор майизлари, Мирзачўлнинг шакар қовунлари... Бу рўйхатни яна кўп давом эттириш мумкин. Хуллас, истаган нарсангизни топа оласиз. Буларнинг барчаси она заминимиз саховати, бободеҳқонларимиз меҳнати маҳсули.

Аграр тармоқда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам яхшилашга қаратилаётган жиддий эътибор соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаётир.

Айтиш мумкинки, аниқ мақсад асосида, узоқни кўзлаб кўрилаётган бу борадаги кенг кўламли чора-тадбирлар аграр соҳа ривожини янги босқичга кўтармоқда. Албатта, ер захдан холи бўлса, тўйиб нафас олади ва мавжуд имкониятларини тўла намоён қилади. Зах – замин бағридаги оғу. Уни бамисоли ўз исканжасига олиб, ҳолдан тойдираётган заҳар. Шу боис ҳам ерни захдан, шўрдан тезроқ халос қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳосил баракаси, деҳқон меҳнатининг самараси айни шу чора-тадбирларга боғлиқдир. Зеро, замин соғлом экан, ҳосил тақдиридан кўнгил тўқ. Мамлакатимизда айни шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда, мазкур масалага жиддий ёндашилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш бўйича янги тизимнинг яратилишида асосий омил бўлди. Мазкур фармон асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самараси ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўз ифодасини топмоқда.

Бошқа ҳудудларга нисбатан деҳқончилик қилиш бирмунча мураккаб, экин майдонларининг шўрланиш даражаси юқори бўлган Хоразм вилоятида ҳам бу борада эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда жами суғориладиган ер майдонлари 265 ярим минг гектарга яқинни ташкил этади. Уларнинг аксарияти тўлиқ шўрланган ва ер ости сувлари яқин жойлашган. Бундай шароитда эса деҳқончилик қилиш анчагина машаққатли. Ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор юқори ҳосил олиш учун суғориш ва зах қочириш тармоқларининг доимо ишчи ҳолатда бўлиши талаб этилади.


(Давоми 3-саҳифада)

# БИРЖА САВДОЛАРИДАГИ ИЖОБИЙ ДИНАМИКА

## УНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲАМ УЛУШИ ОРТИБ БОРМОҚДА

*Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимлиислоҳотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.*



Бу борада амалга оширилаётган ишларни Ўзбекистон Республикаси Товар Хомашё Биржаси мисолида таҳлил этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган январь ойида биржанинг барча савдо платформаларида ижобий динамика кўзга ташланади. Жумладан, биржа савдолари 11 фоиз, ярмарка савдолари 33 фоиз, давлат харидлари 17 фоиз ҳамда корпоратив харидлар 15 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Натижада январь ойида биржада тузилган битимларнинг умумий ҳажми 706,9 миллиард сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга кўпдир. Ўтган даврда биржа платформасида 582,2 миллиард сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврида 522,9 миллиард сўмни ташкил этган эди. Суюлтирилган газ савдоси 35 фоизга ошди ва унинг бозордаги улуши 9 фоиздан 11 фоизга кўтарилди. Шунингдек, полиэтилен грануласи савдоси ҳам 34 фоизга ва, ўз навбатида, бозордаги улуши 12 фоизга ошди.

Нархлардаги бу барқарорлик биржа савдолари иштирокчиларига ўз фаолиятларини самарали ташкил этиш имконини бермоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари биржа савдолари орқали хомашёни сотиб олиш эвазига юқори қўшимча нархлар билан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдилар. Шу билан бир қаторда савдоларда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг улуши ортиб бормоқда. Улар томонидан харид қилинган хом ашё ва материаллар 409,9 миллиард сўмни ташкил этиб, 2015 йилнинг январь ойига нисбатан 4 фоизга ошди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ҳажми 127,4 миллиард сўмни ташкил этиб, таҳлил этилаётган даврда 26 фоизга ошди.

Битимлар сони ва ҳажмидаги тадбиркорларнинг улуши республикамизнинг барча ҳудудларида ошгани кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда мазкур соҳага кенг йўл очиб берилаётганлигининг самарасидир, албатта. Қолаверса, биржа савдоларига улар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошиб бораётгани ҳам эътирофга лойиқдир. Яна бир муҳим жиҳат, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турининг кўплиги тадбиркорлар томонидан бозор талабларига мос равишда иш олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда. Аввалги йиллар билан қиёслайдиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан асосан ҳунармандчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар савдоларга таклиф этилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида саноат, қурилиш маҳсулотлари, мебеллар, уй жиҳозлари ҳам улар сафидан ўрин олди ва харидорларини топди.

Ўз навбатида, битимлар ижросининг кафолатланганлиги, биржа савдоларида иштирокчиларнинг тенглиги ва ошкораликнинг таъминланганлиги, тадбиркорларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини кенг намойиш этиш имконини бермоқда. Бу мижозлар сонини маҳаллий корхоналар билан бир қаторда хорижий мижозлар ҳисобидан изчил ошириш имконини яратмоқда. Ўтган даврда биржанинг ҳисоб-клиринг хизмати электрон тизимида 5 мингдан зиёд мижозлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 95 фоиздан ортиғини кичик бизнес вакиллари ташкил этади.

Шу билан бирга, биржа инфратузилмасининг муҳим бўғини ҳисобланган савдо тармоғи кенгайди. Ўтган йилда республикамизнинг турли ҳудудларида тадбиркорлик субъектларининг савдоларда фаол иштирок этганлиги муносабати билан қўшимча 30 та янги савдо майдончалари ва 20 та брокерлик идоралари ташкил этилди.

Дунёнинг тараққий этган мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши ошиб бориши, аввало, бозор талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон яратса, иккинчи жиҳати ишсизликни бартараф этишда муҳим омил саналади. Айниқса, у чекка қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг асосий воситасидир десак, хато қилмаймиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда, республикамизда бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

**Усмон НУСУРОВ,**
**журналист.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**(Боши 1-саҳифада)**

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, прокуратура органларининг мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга доир ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузиш тўғрисидаги Қўшма қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ Комиссия зиммасига прокуратура органлари фаолияти устидан, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва иш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Қарорда белгиланганидек, Комиссия аъзолари Сенат томонидан сенаторлар орасидан, республиканинг барча минтақаларининг вакили бўлган ўн беш кишидан иборат таркибда Сенат ваколати муддатига сайланади.

Комиссия ўз олдига қўйилган вазифалар бажарилишининг бориши тўғрисида бир йилда икки марта Сенат Кенгаши олдида ҳисоб бериши белгилаб қўйилди.

Мажлисда мазкур Комиссиянинг тузилиши билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизматлари**

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан "Давлат молиясини ислоҳ қилишнинг ғазначилик тизими. Давлат бюджетининг ғазна ижроси, асосий вазифалар ва ривожлантириш истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.*

# АСОССИЗ ХАРАЖАТЛАР ОЛДИ ОЛИНДИ

Тадбирда мамлакатимизда мустақиллик йилларида Давлат бюджети ижроси жараёни, бюджет маблағларини бошқариш ва ундан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, харажатларни молиялаштиришда янгича механизмлар ва услубларни жорий этишга доир ислоҳотлар босқичма-бочқич амалга оширилганлиги хусусида маълумотлар берилди.

Айтиш жоизки, ҳозирда республикамиз барча ҳудудларининг ғазна механизми билан қамраб олингани, қолаверса, бюджет тизимининг тубдан ислоҳ этилиши, тизимга замонавий ахборот технологиялари кириб келиши, бюджет маблағларини мақсадли йўналтириш устидан олиб борилаётган назорат механизмининг йўлга қўйилиши бюджет тизимининг турли поғоналаридаги даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ғазначилик тизими бюджет ташкилотлари олдига молия-ҳисоб масалалари бўйича муаммоли ҳолатларни, масалан, турли қонун бузилишининг олдини олиш бўйича зарур бўлган талабларни белгилаб, эскирган ва самарасиз ҳисобланган механизмларни бекор қилди. Ягона ғазна ҳисобварағи орқали харажатлар амалга ошириш ҳамда дастлабки ва жорий назорат каби механизмларни жорий этиш орқали бюджет ташкилотлари билан товар етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни смета доирасида белгиланган мақсадларга йўналтирилиши устидан қатъий назорат тизими ўрнатилди. Бюджет ташкилотлари томонидан асоссиз харажатлар қилиниши олди олинди.

Анжуманда Ғазначилик тизимининг яқин келажакда бажариши лозим бўлган ва тизимни янада ривожлантириш борасидаги устувор вазифалари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, давлат молиясини бошқаришнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш, давлат бюджетининг даромадлари қисмини ғазна механизми билан қамраб олиш ва халқаро стандартларга таянган Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилиши режалаштирилганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

**М.АСҚАРОВА**

Жиззах Вилояти

ПАРРАНДАЧИЛИК

# "САНГЗОР ПАРРАНДА"НИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАРИ

**Ғаллаорол туманидаги "Сангзор парранда" масъулияти чекланган жамияти босқичма-босқич замонавий технология асосида жиҳозланмоқда. Ўтган йили ҳам банкдан 4 миллиард 47 миллион сўмлик кредит олиниб, 4 та паррандачилик биноси янги ускуналар билан таъминланди.**

– Биз ишлатаётган хорижий технология жаҳоннинг илғор давлатларидагина қўлланилаётир, – дейди корхонанинг компьютер оператори Комил Сатторов. – Чунончи, муқаддам 5-10 минг товуқ бўлган бинода 60 мингта парранда боқишга эришяпмиз. Яъни беш ёки олтита эмас, битта бино иситилади, совутилади, ёритилади ва шунга яраша 40-50 фоиз электр тежаляпти. Табиийки, жойдан ҳам ютамиз. Электр хавфсизлиги юқори даражада таъминланган. Иш давомида носозлик кузатилиши билан операторга овозли хабар келади. Натижада озуқа исрофи ёки таъминот билан боғлиқ муаммо дарҳол бартараф этилади. Шу боис, илгари 60 мингта товуқни боқишга 20 киши жалб этилган бўлса, бугун бу ишни 3 киши эплаяпти. Ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тозалиги, босими, озуқа бериш вақти ва таркиби, иншоотнинг тозалигини, хуллас, ҳаммаси компьютер орқали бошқарилади.

– Илгари барча юмушлар қўлда бажарилар эди, – дейди корхона ишчиси Солия Ҳасанова. – Замонавий технологиялар сабаб бизнинг ишимиз фақат назорат қилиш бўлиб қолди. Сув ва озуқани бериш, тозаликни таъминлаш, тухумни йиғиштириб олишни ҳам автоматлар бажаради. Илгари товуқ боқиладиган бинонинг ҳидига чидаб бўлмасди, ёқимсиз ҳид кийимларга ҳам ўтириб қоларди. Ҳозир ускуналар ҳавони тозалайди, товуқлар учун мақбул бўлган 22-24 даража ҳароратни қишин-ёзин бир хилда таъминлайди. Бундай замонавий корхонада ишлаш кишига қувонч бағишлайди.

Айни вақтда 46 нафар ишчи-ходимлар фаолият кўрсатаётган ушбу паррандачилик корхонасида 266 минг 491 мингта Ломанн Браун зотли тухум қиладиган товуқлар боқиляпти. Ўтган йили корхона жамоаси томонидан 15 миллион 251,1 минг дона тухум, 5 минг 383 килограмм гўшт ҳамда 32 минг 171 та парранда сотилди. Жорий йил бошида корхонада 100 мингта жўжани бир вақтда инкубатордан чиқариш технологияси ҳам жорий этилди. Замонавий ва энергиятежамкор инкубатор учун 963 миллион сўм сарфланди.

"Сангзор парранда" масъулияти чекланган жамияти жамоаси озуқа тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Хусусан, корхонанинг 2 минг 173 гектар лалми экин майдони бўлиб, 1 минг 733 гектарида буғдой етиштирилади.



Мазкур ҳудуддан олинган ҳосил корхонадаги ғалла эҳтиёжининг 30 фоизини қоплайди. Шунингдек, ҳар йили 400 гектар майдонда арпа етиштирилади. Айнан паррандачилик фермасидан олинадиган маҳаллий ўғит сабаб корхона қошидаги хўжалик деҳқонлари лалми майдонлардан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлмоқда.

– Жорий йилда 18 миллион дона тухум, 15 тонна парранда гўшти ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, – дейди корхона бош ҳисобчиси Фахриддин Холиқназаров. – Шунингдек, яна 4 та бинога замонавий технология ўрнатамиз. Бу ишлаб чиқариш имкониятларимизни икки баробарга ошириш учун омил бўлади.

Бугунга келиб вилоятда шунга ўхшаш 57 та паррандачилик корхонаси фаолият кўрсатяпти. Жорий йилда улар сони яна 26 тага кўпаяди. Бундан ташқари, 10 та корхонада модернизация ишлари амалга оширилади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходимлари, қатор идора, корхона ва ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, бошланғич касаба уюшмалари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси ҳар томонлама талқин қилиниб, янги норма ва принциплар асосида бугунги кун талабида тайёрланган. Шу билан бирга, лойиҳа янгидан қабул қилинаётган қонунлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштирилган бўлиб, унда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро талаб ва тажрибалар ҳам ўз ифодасини топган. Муҳими, қонун лойиҳаси амалиётга татбиқ этилгач, иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга, уларнинг масъулиятини янада ошириш ва ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадбирда қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, таклифлар ўртага ташланди. Уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

# ФЕРМЕРЛИК ИСТИҚБОЛИ КЎП ТАРМОҚЛИЛИКДАДИР

***Хозирги кунда бирон махсулотни харид килиш учун одамлар навбатда турибди дейилса, хеч ким ишонмайди. Чунки хамма ёк тўкинчилик. Топилмайдиган нарсанинг ўзи йўк. Аммо якинда пойтахтдаги дўконларнинг бирида харидорлар кандайдир махсулотни харид килиш учун навбатга турганига гувох бўлдик. Биз хам кизикиб харид килишга шошилдик. Харидорлар эътиборини тортган махсулот катик бўлиб чикди. Ёрлиғидан Охангарон туманидаги "Шоштепа Шамс" фермер хўжалигида тайёрланганини билдик. Махсулотнинг таъми, ранги хам бошкача эди. Шунда харидорлар бу кадар севиб истеъмол килаётган бу катикда кандай сир бор экан дея, фермернинг фаолияти билан кизикдик.***

Бизга туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Муҳаммаджон Отабоев билан бош чорвашунос Шавкат Эрназаровлар ҳамроҳлик қилишди. "Дўстлик" ҚФЙ ҳудудидаги Шодималик ота қишлоғида фаолият юритаётган "Шоштепа Шамс" фермер хўжалиги ҳақиқатда эътироф этишга арзигулик жамоа экан. Чорвачилик йўналишидаги ихтисослашган фермер хўжалигида бугунги кунда 10 дан зиёд тармоққа асос солинганлиги фикримизнинг исботидир. Деҳқончилик, боғдорчилик, сутни қайта ишлаш, паррандачилик, балиқчилик, кулолчилик, иссиқхона каби соҳалар жамоада кун сайин ривож топмоқда. Бу фермер Тоҳир Сайрамовнинг изланувчан, бозорни пухта ўрганиб иш юритувчи тажрибали тадбиркорлардан эканлигини англатиб турибди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида қишлоқда етакчи куч ҳисобланган фермерлик ривожига кенг йўл очиб қўйилди, – дейди фермер. – Эндиликда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, барча орзу-ниятларга эришиш мумкин. Энг катта эркинлик – бу кўнгилдаги ғояларни бемалол амалга ошира олишдир.

Агар диққат қилинса, фермер хўжалигида амалга оширилаётган ҳар бир хайрли иш рўёбга чиқаётган ғоялар натижасидир. Масалан, биз юқорида тилга олган, харидорлар севиб истеъмол қилаётган қатиқ тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, фермер маҳсулоти харидоргир бўлиши учун узоқ изланди. Шаҳардаги ўнлаб савдо дўконларини айланиб чиқди. Чуқур мулоҳаза юритди. Бу замонда чорва билан машғул бўлаётган фермер биргина уми? Сут, қатиқ маҳсулотлари эса барча жойда сероб. Фақат ҳаммаси елим, нари борса, чинни идишларда. Қадимда момоларимиз сутни кўзаларда ивитишган. Қандай мазали, неча кунлаб бузилмай турарди. Шуларни замонавийлаштириб, аҳолига тортиқ қилинса-чи? Тоҳир ака, таъбир жоиз бўлса, "қўлбола" ҳисобланган бу усулни янада такомиллаштирди. Турли қўлланмаларни титкилаб, ғояларни умумлаштириб, қадимги славян халқлари қишлоқларида сутдан тайёрланадиган рангли "ряженка"га асос солди. Кулолчилик кенг ривожланган Риштон туманидан кўза ясовчи усталарни жалб этди. Ангрендан сопол учун мос бўлган тупроқ олиб келинди. Шу тариқа ишлар юришиб кетди. Бошида маҳсулот пойтахтдаги дўконларга шунчаки таклиф этилган бўлса, энди фермер хўжалиги жойлашган бино дарвозаси олдида машиналар тирбанд, буюрмачиларнинг ўзлари келишяпти. Бугун кулол Турдиали Икромов ясаб, оловда тоблаб бераётган бежирим кўзалардаги сутни қайта ишлаш цехи бошлиғи Фаридахон Сафаралиева бошчилигидаги жамоа аъзолари "ачитқи" ёрдамида махсус усулда ивитиб бераётган қатиқларнинг довруғи довон ошмоқда. Цехда яна бошқа ўнлаб сут маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Аммо кўзалардаги қатиқ ва ряженкаларнинг таъми асллиги боис барибир бошқача.

Одатда идишлардаги қатиқнинг сақланиш муддати уч кундан ошмайди. Кўзадаги маҳсулот эса етти кунгача айнимайди, мутлақо сув очмайди. Фермер паррандачиликка ҳам асос солган. Фақат у бу борада товуқ эмас, гўшт йўналишида ўрдак боқишни йўлга қўйган. Муҳими шундаки, ушбу усулнинг ҳамма билавермайдиган бошқа "сир-асрор"лари ҳам мавжуд экан. Гап шундаки, ўрдакнинг Хитой оқ зоти товуқ сингари ҳар куни маҳсулот беради. Жўжалар қирқ кун махсус озуқа билан боқилади. Бу муддатда ўрдаклар 1,7, 2 килограммгача тош босади. Маҳсулот махсус ташкил этилган замонавий кушхоналарда тозаланиб, қадоқланган ҳолда савдога чиқарилади. Ўрдак гўшти товуқникига нисбатан анча мазали. Бунинг устига ўрдак анча чидамли, касалликларга чалинавермайди. Хориждан келтирилган меваларни қайта ишлайдиган цех ҳам қишлоқдаги биринчи саноат корхонаси ҳисобланади. Бу ерда камёб икра, томат каби пасталар, турли жемлар тайёрланмоқда. Фермер мева ва сабзавот шарбатларини ҳам сопол шишаларга қадоқлаб чиқариш устида изланмоқда.

Мавжуд қорамоллар алоҳида рацион асосида парвариш қилинади. Фермадан чиқаётган маҳаллий ўғит аввал муқобил энергия – биогазга айлантирилиб, қолдиқдан ҳосил бўлган биогумусларни махсус қопларга қадоқлаб, савдога чиқариш чоралари кўрилмоқда. Хўжаликда қуриб битказилган иссиқхонани ҳам биогазда иситиш режалаштирилмоқда.

– Биз иссиқхоналарда бодиринг, помидор ёки лимон эмас, махсус тувакларда камёб гул кўчатларини етиштиришни йўлга қўймоқчимиз, – дейди фермер. – Мулоҳаза қилиб кўрсак, гулчилик ҳам сердаромад соҳалардан.

Тоҳир аканинг навбатдаги ғояси, яъни ташкил этилган сунъий кўлга ҳадемай балиқ чавоқларини ташлашга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда. Чоғроққина ҳудудда шунча соҳага асос солиш, қишлоқда кўплаб янги иш ўринларини яратиш ҳақиқатан эътирофга моликдир.

– Ҳақиқий фермер ҳеч қачон битта йўналиш билан кифояланиб қолмаслиги керак, – дейди Тоҳир Сайрамов. – Чунки фермерчиликнинг истиқболи, унинг гуллаб яшнаши кўп тармоқлиликдадир.

Қувончлиси шундаки, бугун Оҳангаронда ҳикоямиз қаҳрамонининг издошлари кундан-кун ортиб бормоқда. Ангрен СФУ ҳудудида фаолият юритаётган "Оҳангарон Рустам АГРО" фермер хўжалигида Хитой технологияси асосида 11 хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, гўшт йўналишида паррандачиликни ривожлантириш йўлга қўйилган. Айни вақтда 60 минг парранда боқаётган фермер ўтган йили аҳоли дастурхонига 20 тонна парҳез гўшт етказиб берди. Хўжаликнинг Оҳангарон тумани маркази ҳамда пойтахтнинг Миробод туманида махсус савдо дўконлари бор. "Беклар" фермер хўжалиги эса чорвачилик билан кифояланиб қолмай, 300 дан зиёд асалари уясида соф тоғ болини етиштирмоқда ёки "Тожибоев Толиб" фермер хўжалиги яйловларида бугун 2 минг бош қўйлар қаторида хориждан келтирилган юзлаб наслли эчкилар боқилмоқда.

Фермер ҳар бири кунига 3,5-5 литргача сут бераётган бу жониворлар сонини кўпайтириш иштиёқида юрибди. Мухтасар қилиб айтганда, Оҳангаронда фермерчилик мана шундай кўп тармоқлилик асосида ривож топмоқда.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# АРДОҚЛАНГАН ЗАМИН САХОВАТИНИ АЯМАЙДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Бу, албатта, воҳа мелиораторлари, ирригаторлари ва мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар ҳосил тақдири айнан шу чора-тадбирларга боғлиқ эканлигини чуқур англагани ҳолда ўз ишларига сидқидилдан ёндашмоқдалар.

– Вилоятда 10,5 минг километрга яқин узунликда коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд бўлиб, ҳар йили уларда белгиланган режа асосида тизимли ишлар амалга оширилаётир, – дейди Хоразм мелиоратив экспедицияси бош мутахассиси Йўлдошбой Полвонов. – Биргина ўтган йили 20 та лойиҳа бўйича режалаштирилган объектларда таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилиши туфайли 26 минг гектардан зиёд ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди.

2008-2015 йиллар мобайнида вилоят бўйича 10 минг 675 километр узунликдаги коллекторларда мелиорация тадбирлари ўтказилиши натижасида 230 минг гектарга яқин майдонда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражасининг пасайишига эришилди. Бу, ўз навбатида, ҳосилдорликнинг ортишини таъминламоқда.

Амалга оширилган мелиорация тадбирлари натижасида қарийб 29 минг гектар майдонда ер ости сувлари сатҳи ўртача 0,33 – 0,50 метргача пасайди. Кучли шўрланган ерлар 2007 йилда 39 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 7 минг гектарга камайди.

Албатта, бу рақамларда келтирилган кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу борадаги ишларнинг аниқ ва пишиқ-пухта ўйланган режа асосида ташкил этилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Кенг қамровли мелиорация ишларини тизимли равишда олиб бориш мақсадида Хоразм вилоятида “Боғотдавсувмахсуспудрат”, “Янгибозордавсувмахсуспудрат”, “Қўшкўпирдавсувмахсуспудрат” “Урганчдавсувмахсуспудрат” ҳамда “Ҳазораспдавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхоналари ташкил этилганди. Ўтган вақт давомида ушбу корхоналар жамоалари томонидан катта ҳажмдаги мелиорация ва ирригация тадбирлари амалга оширилди.

“Боғотдавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан 2015 йилда жами 5187,8 миллион сўмлик таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилиб, белгиланган режа ўз вақтида ва сифатли адо этилди.

Шу жумладан, Боғот туманидаги “Арпакўл” коллекторида 84 километрдан ортиқ узунликда тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Бунинг учун қарийб 900 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳазорасп туманидаги “Милтиқчи” коллекторининг салкам 110 километрида, “Темур-1” коллекторининг 80 километрдан зиёд қисмида ҳам таъмирлаш ва тиклаш ишлари сифатли бажарилди.

Шунингдек, Янгиариқ туманидаги “Оқмачит”, “Қўриқтом” ҳамда “Учтепа” коллекторларида қарийб 245 километр узунликда таъмирлаш, тиклаш ишларини олиб бориш режалаштирилганди. Ушбу объектларда ҳам ишлар ўз вақтида уддаланиб, кўзланган натижага эришилди.

Бундай кенг кўламли ишларнинг тезу соз амалга оширилаётгани, аввало, корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамлигидан далолат беради. Корхонада 15 та хорижда ишлаб чиқарилган замонавий экскаватор, 4 та бульдозер, “MAN” русумли автокран ва автотрайлер, 1 та “SHACMAN” русумли автосамосвал, 6 та ҳар хил турдаги тракторлар ва бошқа мелиоратив техникалар мавжуд бўлиб, улар “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компаниясининг лизинг маблағлари ҳисобидан олинган. Мазкур техникалар иш унуми юқорилиги билан ажралиб туради. Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак, кўп нарса ойдинлашади. Масалан, эски экскаваторларнинг кунлик иш унуми 200-250 метрни ташкил этган бўлса, замонавий экскаваторлар воситасида кунига 600-700 метр коллектор зовур тармоқлари тозаланмоқда. Энг муҳими, иш унумдорлиги ошиши баробарида, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфида тежамкорликка эришилмоқда.

– 2015 йил давомида ҳудудларда бажарилган таъмирлаш ва тиклаш ишлари натижасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик 2 центнерга ошди, – дейди “Боғотдавсувмахсуспудрат” ДУК директори Ориф Тоиров. – Ишимиздан кўпчилик мамнун. Ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, юқори ҳосилдорликка эришган кўплаб фермерлардан раҳмат эшитяпмиз. Боғот, Янгиариқ ва Ҳазорасп туманларидаги юздан зиёд фермер хўжаликлари аъзоларидан миннатдорчилик хатларини олдик. Ушбу таъмирлаш, тиклаш ишларида экскаватор операторларимиз Рўзимбой Бектурдиев, Жумабой Раҳимов, Баҳодир Нурметов, Шокир Тоиров, бульдозер оператори Рашид Рўзибоевлар, айниқса, фаоллик кўрсатиб, режа ва топшириқларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишига катта ҳиссаларини қўшдилар.

Айни пайтда 65 нафар ишчи ва мутахассис меҳнат қилаётган “Янгибозордавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам аҳилликда иш тутиб, ўтган йилни ҳар томонлама муваффақиятли якунлади. Кўзда тутилган ишлар ошиғи билан уддаланди. Жами 346 километрдан ортиқ узунликдаги ариқ-зовурларда реконструкция, таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

Гурлан туманидаги “Ўнг қирғоқ Бирлашган Қиличниязбой” магистрал коллекторининг 8 километри реконструкция қилиниб, бунинг учун 1 миллиард 950 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундан ташқари, 790 миллион сўм эвазига Хива туманидаги “Помидакўл-Эшонкўл” коллекторининг Хива шаҳридан ўтган қисми ёпиқ коллекторга айлантирилди.

Хонқа туманидаги “ЛД-1” коллекторида мелиоратив насос станциясини қуриш, Янгибозор туманидаги “Эски дарёлиқ” каналини реконструкция қилиш ишлари ҳам белгиланган муддатида ўз ниҳоясига етказилди.

Корхона жамоаси азим Амударё қирғоқларида ҳам қатор ишларни олиб боришди. Дарёнинг Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманлари ҳудудидан ўтган қирғоқларида сув ювиб кетмаслиги учун ҳимоя деворларини тиклаш учун 1,5 миллиард сўмликдан ортиқ ишлар бажарилди.

Қолаверса, Янгибозор туманидаги “Бўзқалъа”, “Қиличниязбой бўйи”, Гурлан туманидаги “Гурлан Эшимжирон”, Ҳазорасп туманидаги “Ҳовузкўл” коллекторларидаги таъмирлаш, тиклаш ишлари ҳам муваффақиятли якунланди.

Мазкур тадбирларга корхона тасарруфидаги 16 та замонавий экскаватор, 5 та бульдозер, 2 та автокран, 1 та автотрайлер, 3 та автосамасвал ва бошқа техникалар жалб этилди.

Ҳудудларда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, пахта, ғалла ҳосилдорлиги 2-3 центнерга ошишига эришилди.

– 40 гектардан ошиқроқ ерда ғалла, пахта парваришлаймиз, – дейди Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғи ҳудудида жойлашган “Расулбек-Илёсбек” фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Утамуратов. – Ўтган йили белгиланган режани ортиғи билан бажардик. “Янгибозордавсувмахсуспудрат” корхонаси механизмлари ёрдамида фермер хўжалигимиз ҳудудидаги мавжуд зовурлар сифатли тозалангандан сўнг экин майдонларимизнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва пахтадан 2-3 центнердан зиёдроқ ҳосил олишга эришдик. Жорий йилда буғдойдан ҳам 2-3 центнердан кўпроқ ҳосил олишни кўзлаяпмиз. Биз, фермерларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар учун, аввало, Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу ишларни ҳормай-толмай амалга ошираётган моҳир механизаторлар, жонкуяр соҳа вакилларининг ишлари ҳамиша бароридан келишини тилаймиз.

– Корхонамизда устоз-шогирд анъанаси давом эттирилиб, кўп йиллик тажрибага эга, олдинги экскаватор ва бульдозерларда ишлаган, бугунги кунда эса замонавий техникаларни зўр иштиёқ билан бошқараётган механизаторлар ўз касб сирларини, иш унумдорлигини ошириш йўлларини шогирдларига, касб-ҳунар коллежларини битириб, ишга келаётган ёшларга астойдил ўргатишмоқда, – дейди “Янгибозордавсувмахсуспудрат” ДУК директори Эркин Қиличов. – Бу эса, албатта, ютуқларимиз салмоғининг ортишида муҳим аҳамият касб этаётир. Реконструкция, таъмирлаш ва тиклаш ишларида экскаваторчи ва бульдозерчиларимиздан Отабек Худоёров, Жуманазар Тўлибоев, Ойбек Кўчқоров, Шериммат Эшниёзов, Эгамберган Яхшимуратовлар, айниқса, фаоллик кўрсатиб ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, корхонамиздаги барча техникалар жилови ишончли қўлларда. Етарли билим ва малакага эга механизаторларимиз ўз ишига сидқидилдан ёндашиб, техникалар кучидан самарали фойдаланишмоқда.

Дарҳақиқат, корхонада меҳнат қилаётган замин шифокорлари ҳамжиҳатликда иш тутиб, минглаб гектар экин майдонларининг дардини аритмоқдалар. Юрт равнақига дахлдорлик ҳисси уларни янада масъулиятли бўлишга ундамоқда.

– Салкам қирқ йилдирки, бульдозер ҳайдайман, – дейди тажрибали оператор Шериммат Эшниёзов. – Касби орқасидан барака топганларданман. Меҳнат фаолиятим давомида бир неча бульдозернинг жиловини тутдим. Техникалар тараққиёт босқичларида бирин-кетин такомиллашиб бораверди. Айниқса, дастлаб бошқарган бульдозерим билан ҳозиргисининг ўртасида жуда катта фарқ бор. Замонавий, юқори қувватли, ёнилғи-мойлаш материалларини кам сарфлайдиган ҳозирги техникаларда ишлаш ҳақиқатан ҳам кишига завқ бағишлайди. Катта ҳажмдаги тупроқ ишларини ҳам тезу соз бажарамиз. Иш унуми ниҳоятда юқори.

Бу техникаларда оператор учун барча қулайликлар яратилган. Кабина ёзда ҳам, қишда ҳам бир хил – мўътадил. Совуткич ва печ билан жиҳозланган. Оператор хоҳишига қараб, мусиқа тинглаб ёки радио эшитиб ишлаши мумкин.

Аввалгидек, эшиги яхши ёпилмайдиган, ойнаси йўқ ёки ярми синган, кабина ичи қора мой аралаш чангу тупроққа беланган, бир кун ишласа, уч кун таъмирланадиган бульдозерлар, экскаваторлар ўрнини бугун мана шундай, ғайратингизни оширадиган, замонавий, ҳар жиҳатдан мукаммал техникалар эгалламоқдаки, бундан, албатта, қалбимиз фахрга тўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, бундай техникаларни бошқараётган ҳамюртларимизнинг юриш-туришлари, фикрлашлари ҳам техникалари янглиғ бутунлай ўзгариб боряпти. Бинобарин, меҳнат ва рағбат уйғунлиги уларнинг ўз ишига, ҳаётга бўлган қизиқишини янада орттирмоқда.

Ушбу фикрларимиз тасдиғини “Қўшкўпирдавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси жамоаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур жамоа ҳам ўтган йил бошларида бўлиб ўтган тендер танловларида муваффақиятли иштирок этиб, мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш бўйича 3,5 миллиард сўмликдан ортиқ, каналларни реконструкция қилиш бўйича 1 миллиард сўмликдан зиёд ишларни бажаришни зиммаларига олишган эди. Буларнинг барчаси белгиланган муддатида, сифатли тарзда амалга оширилди. Хонқа туманидаги “Ғазовот-Митянов”, Хива туманидаги “Помидакўл-Эшонкўл”, Қўшкўпир туманидаги “Кўрпкўл-Истиқлол” коллекторларида 350 километрдан ортиқ узунликдаги тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилиши натижасида 6 минг 700 гектардан зиёд экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

Шунингдек, Қўшкўпир туманидаги “Тўғай-ёп” ҳамда Ҳазорасп туманидаги “Ших-ёп” каналларида 1 миллиард сўмликдан ошиқ реконструкция ишлари бажарилиб, мазкур каналларда сувнинг равон оқиши таъминланди. Бу ишларнинг муваффақиятли амалга оширилишида механизаторлардан Саньат Эшчонов, Шуҳрат Сапақов, Шамсиддин Абдуҳалилов, Берди Мадаминов, Тўйли Қутлиев, Эргаш Рўзметов, Отабек ва Эргаш Оллобергановвлар, айниқса, жонбозлик кўрсатишди. Улар кунлик иш меъёрларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

– Вилоят мелиоратив экспедицияси ҳамда фермер хўжаликлари билан биргаликда ҳар бир зовур, коллекторларнинг ишчи ҳолати мунтазам ўрганилиб, камчиликлар ўз вақтида бартараф этиб борилмоқда, – дейди корхона директори Файзулла Исмоилов. – Мелиорация обеъктлари фойдаланишга топширилгандан сўнг фермерлар коллектор тизимининг ишлаши, ерларининг мелиоратив ҳолати яхшилангани ва ҳосилдорлик ошгани хусусида миннатдорчилик хатларини йўллаяпти. Ўтган йилнинг ўзида корхонамизга 80 дан ортиқ шундай хатлар келди. Хуллас, меҳнатимиздан фермерлар мамнун. Ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, юқори ҳосил етиштираётир. Улардан кўплаб раҳматлар эшитяпмиз. Биз ҳам мелиорация тадбирларини амалга ошириб, вилоятимиз деҳқонларининг хирмонлари сарбаланд бўлишига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Жорий йилда ҳам бор куч-имкониятларимизни ишга солиб, ютуқларимиз салмоғини ошираверамиз.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг моддий-техник имкониятлари йилдан йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётир. Ҳозирда 20 та экскаватор, 5 та бульдозер, 10 та юк ташувчи транспорт воситаси, автокран, бетон қорувчи автомашина ва бошқа техникалар мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланилмоқда. Эътироф этиш ўринлики, жамоа якдиллик билан доимо изланишда давом этмоқда. Ҳозирда кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш билан бир қаторда қўшимча тармоқлар фаолиятини ҳам самарали йўлга қўйишган. Корхонага тегишли бетон ишлаб чиқарувчи заводни айтасизми ёки арматура цехиними, барчасида ишлар бугунги кун талаблари асосида ташкил қилинмоқда. Ёрдамчи хўжалик ҳисобидаги 1 гектар жойда балиқ етиштириляпти. Чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланилмоқда. Бу эса ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, механизаторларни иссиқ овқат билан таъминлашда айни муддао бўлмоқда.

Ҳа, ҳалол меҳнат қилиб, фермерларнинг олқишига сазовор бўлаётган, рўзғорининг тўкинсочинлигини таъминлаб, бахтиёр ҳаёт кечираётган корхона ишчилари учун янада кенгроқ қулайликлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Истиқлол йилларида ирригация-мелиорация соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларимизнинг муҳим омилларидан бўлмоқда. Шундай экан, бу борадаги тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир. Замин шифокорлари айнан шу тамойил асосида ўз ишига ёндашиб, самарали меҳнатлари билан юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаверадилар.

**Раимқул СУЯРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**○ Эълонлар**

## Qishloq Qurilish Bank

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-2410-сонли қарорига асосан жалб қилинган кредит линия маблағларини ўзлаштириш шартлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

| | |
|---|---|
| **Линия доирасида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан жалб қилинган маблағлар микдори:** | 10 000 000,0 АҚШ доллари, шу жумладан:<br>- 8 600 000,0 АҚШ доллари хорижий валютада;<br>- 1 400 000,0 АҚШ доллари эквивалентида миллий валютада. |
| **Линия доирасидаги ҳудудлар:** | Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси |
| **Лойиҳа йўналишлари:** | Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, узоқ муддатга сақлаш ва сотиш билан боғлиқ фаолиятлар. |
| **Кредит микдори:** | ● Инвестицион лойиҳалар учун – 2 000 000,0 АҚШ долларигача (ёки унинг миллий валюта эквивалентида);<br>● Айланма маблағлар учун – 200 000,0 АҚШ долларигача (ёки унинг миллий валюта эквивалентида). |
| **Кредит муддати:** | ● Узоқ муддатли – 120 ой, кредит ҳисобига сотиб олинадиган товарларни тўлиқ амортизацион давридан ошмаган ҳолда (лойиҳа инвестицион давридан келиб чиққан ҳолда 36 ойгача имтиёзли давр билан);<br>● Қисқа муддатли – 18 ой (9 ойгача имтиёзли давр билан). |
| **Йиллик фоиз ставкаси:** | ● Хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича – 5,5%<br>● Миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича – 10% |
| **Кредит линия афзалликлари:** | ● Кредит маблағлари хорижий валютада ажратилиб, уларни қайтариш тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курсида миллий валютада амалга оширилиши мумкин;<br>● Мазкур кредит линия ҳисобидан молиялаштирилган товарлар божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратма ва тўловларни тўлашдан озод этилади. |

**Қўшимча маълумотларни АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” расмий веб-сайти www.qqb.uz орқали ҳамда банк филиалларига мурожаат қилган ҳолда олишингиз мумкин.**

Хизматлар лицензияланган.

## Qishloq Qurilish Bank

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 январдаги “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти халқаро жамғармаси (ҚХТХЖ) иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2113-сонли қарорига асосан жалб қилинган кредит линия маблағларини ўзлаштириш шартлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

| | |
|---|---|
| **Линия доирасида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан жалб қилинган маблағлар микдори:** | 2 500 000,0 АҚШ доллари |
| **Линия доирасидаги ҳудудлар:** | Сурхондарё вилояти |
| **Лойиҳа йўналишлари:** | Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, узоқ муддатга сақлаш ва сотиш билан боғлиқ фаолиятлар. |
| **Кредит микдори:** | **100 000,0 АҚШ доллари** (2 гектардан ошмаган майдонда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар учун – **20 000,0 АҚШ долларидан** ошмаган миқдорда). |
| **Кредит муддати:** | 72 ой, кредит ҳисобига сотиб олинадиган товарларни тўлиқ амортизацион давридан ошмаган ҳолда (лойиҳа инвестицион давридан келиб чиққан ҳолда 24 ойгача имтиёзли давр билан) |
| **Йиллик фоиз ставкаси:** | 4,0 % |
| **Кредит линия афзалликлари:** | ● Кредит маблағлари хорижий валютада ажратилиб, уларни қайтариш тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курсида миллий валютада амалга оширилиши мумкин;<br>● Мазкур кредит линия ҳисобидан молиялаштирилган товарлар божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратма ва тўловларни тўлашдан озод этилади. |

**Қўшимча маълумотларни АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" расмий веб-сайти www.qqb.uz орқали ҳамда банк филиалларига мурожаат қилган ҳолда олишингиз мумкин.**

Хизматлар лицензияланган.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ – 2016



Темур МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган сурат.

# ЖАМОАМИЗ ФИНАЛДА

*Пойтахтимизда ўтаётган футзал бўйича Осиё чемпионатининг ярим финал баҳслари бўлиб ўтди. Дастлаб Ўзбекистон ҳамда Тайланд футзал терма жамоалари ўзаро кураш олиб борди.*

Учрашувнинг биринчи бўлимида дарвозалар олдида жуда кўп хавфли кўринишлар юзага келса-да, дарвозалар дахлсиз қолди.

Иккинчи бўлимнинг бошларида футзалчимиз Дилшод Раҳматов томонидан берилган ажойиб зарба ҳисобни очди. Аммо орадан бир дақиқа ўтиб, яъни учрашувнинг 24-дақиқасида рақиб жамоа футболчиси Жетсада Чудеч ҳисобни тенглаштирди – 1:1. Қолган дақиқаларда ҳисобда ўзгариш бўлмади.

Қўшимча вақтнинг биринчи қисмида тайландликлар дарвозамизга гол киритди. Гол муаллифи – Апиват бўлди. Аммо ушбу гол ҳам футзалчиларимизни руҳан синдира олмади.

Қўшимча вақтнинг иккинчи бўлимида жамоамиз дарвозабони ўрнига ҳужумчи туширилди ва Артур Юнусов берган зарбадан кейин тайландликлар дарвозабони жамоасини голдан қутқариб қололмади. Ҳисоб – 2:2.

Навбат пинальтилар сериясига етиб келди. Биринчи уриниш ҳар икки жамоа учун ҳам омадли бўлди. Иккинчи уринишда ҳам футзалчиларимиз бехато ҳаракат қилишди. Тайланд футзалчиси эса иккинчи тўпни дарвозамизга кирита олмади. Учинчи уриниш – ҳал қилувчи зарбани ҳам футболчиларимиз уддалашди – 3:1.

Шунингдек, ярим финалнинг иккинчи учрашувида Эрон ҳамда Вьетнам терма жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди. Унда эронликлар рақибларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратишди – 13:1.

Энди терма жамоамизни муҳим учрашув – финал кутиб турибди. Унда терма жамоамиз Эрон терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Кеча, шунингдек, Жаҳон чемпионатида қатнашувчи бешинчи жамоа номи ҳам аниқ бўлди. Бунга Австралия футзалчилари қирғизистонлик спортчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб муяссар бўлишди.

**Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ**

«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ




## ОГОҲЛИК – КУНДАЛИК ВАЗИФАМИЗ БЎЛСИН!

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил этиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигига амин бўламиз.

Дейлик, газни ўтказишда резина шланглардан фойдаланилди. Қулайлик ва осон йўл тутилган бу ҳолда ёнғин чиқиши бир неча баробарга ортади. Яъни резина шланглар тез ёрилиши, емирилиши, узилиши сабабли унда газнинг сизиб чиқиш ҳолати пайдо бўлади. Хонада газ ҳидини билмай гугурт чақилиши ёки бошқа учқун чиқувчи воситалардан фойдаланиш оқибатида ёнғин содир бўлиши мумкин.

Қаердаки иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, техник талабга жавоб бермайдиган ускуналарни қўллаш ҳолатларига йўл қўйилар экан, ўша жойга ёнғин хавф солиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун барчамиз масъулиятимизни янада оширмоғимиз керак.

**Т.ИСМАИЛОВ,**
*Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 23-ҲЁХҚ катта инспектори, сержант.*

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!
«Асака» банк
ASAKA BANK

2016 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб номланиши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:



«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

*Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

***Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.***

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 770-05-19 |
| Сирғали филиали | (371) 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 223-60-74 | Афросиёб филиали | (366) 221-71-76 |
| Асака филиали | (374) 233-21-99 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | (374) 226-96-63 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (373) 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | (362) 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-19-80 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 542-61-01 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**
**— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
**— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
**— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
**— миқдори чекланмаган!**

«АСАКА» БАНК - САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!

www.asakabank.com
Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

БАРЧА ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ



Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
SN INVEST
(+99871) 150-58-58, 150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

Тошкент ш. Ҳамза т. ҳокими томонидан 16.02.1995 й.даги 352-сонли қарор рақами билан Яшнобод т. Тузел 1-мавзе манзили бўйича рўйхатга олинган "TUZEL" Гараж ширкати (СТИР 200551891) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 26.01.2016 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 508-66-61 тел. орқали қабул қилинади.

"YAYPAN TEKSTIL" МЧЖ таъсисчиларининг 18.02.2016 й.даги умумий йиғилиш қарорига асосан таъсисчилар сафи камайди ва Устав фонди 328 908 136 сўмдан 6 000 000 сўмга ўзгартирилади.

"ALTAIR TEKSTIL" МЧЖ таъсисчиларининг 15.02.2016 й.даги умумий йиғилиш қарорига асосан таъсисчилар сафи камайди ва Устав фонди 190 352 257 сўмдан 6 000 000 сўмга ўзгартирилади.

"ILG'OR TEKSTIL PLYUS" МЧЖ таъсисчиларининг 12.02.2016 й.даги умумий йиғилиш қарорига асосан таъсисчилар сафи камайди ва Устав фонди 29 782 430 сўмдан 6 000 000 сўмга ўзгартирилади.

"VZLYOT IMPEKS" МЧЖга (СТИР 300658723) тегишли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҚОРАМОЛ ЕТИШТИРУВЧИ, ШУНИНГДЕК, БАРЧА ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ "TO'XTANIYOZ-OTA" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

барча қорамол етиштирувчи хўжаликлардан чекланмаган миқдорда, келишилган нархларда пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(+99871) 150-11-97, (+99898) 303-41-15,
(+99898) 366-19-46.
Гувоҳнома № 0248

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»




Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, (+99890) 174-26-36.
www.sardor-avto.uz
Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

## ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚАЙТА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Лот 14-5. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 22-сонли мактаб учун 12х24 м. ўлчамдаги (ёрдамчи хўжалик бинолари билан биргаликда) спорт зал қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 691,544 млн. сўм, ҚҚСсиз 576,287 млн. сўм. **Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел.: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 ф.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **"Давархитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уйда ўтказилади.

"OLMOS IMKON FAYZ" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси (СТИР 303445464) устав фонди 7 000 000 000,51 сўмдан 10 000 000 сўмга камайтирилишини ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли "OLMOS IMKON FAYZ" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (14.11.2014 й., реестр № 006860-01) рўйхатдан ўтган "ZANGIOTA-PLAST" МЧЖга (СТИР 204781643) тегишли Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ECO-SERT-MANAGEMENT" НТМнинг (СТИР 302790948) ташкилий-ҳуқуқий шакли "ECO-SERT-MANAGEMENT" ХКга ўзгартирилади. "ECO-SERT-MANAGEMENT" НТМга тегишли 008670-04 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИда (реестр № 004056-07, 03.09.2012 й.) рўйхатга олинган Ҳамза т. Илтифот 123-уй манзилида жойлашган "ZOXID KAPITAL PLYUS" ХК (СТИР 302375670) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 2-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (94) 616-16-11, (97) 733-99-19 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. Чилонзор-24 55-уй 54-хонадонни хусусийлаштириш иштирокчилари ҳақидаги 05.03.2015 й.да 12406 рақам билан рўйхатга олинган Закиров Исматулла Убайдуллаевич номига берилган 012919 рақамли бланк йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-76-78, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; **ВИЛОЯТЛАР: Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (–99893) 940-00-27; **Навоий** – (+99894) 374-77-62; **Наманган** – (+99893) 948-53-86; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (–99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (–99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Ш.ЙЎЛДОШЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** М.БОБОМУХАММЕДОВА
**Дизайнер:** Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.30
23907 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5